

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 28 декабрь, № 278 (8058)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

27 декабрь куни хорижий давлатларнинг Ўзбекистонга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрликларини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Латвия Республикаси элчиси Рейнис Трокша, Венгрия элчиси Дьюла Ковач, Франция Республикаси элчиси Орелия Бушез ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги элчиси Юсуф ал-Утайбидан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриқлади.

Ўзбекистон хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан конструктив мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли шериклини кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди.

Президентимиз мамлакатимиз демократик янгиланишлари давом эттириши, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида комплекс ислохотларни амалга оширишда изчилликни таъминлаш йўлида қатъий эканини қайд этди.

Тараққиёт стратегиясида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, эркин ва очик жамият, халқчил давлат барпо этиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Ўзбекистонни 2030 йилга бориб аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатга айлантириш асосий вазифадир. Шу мақсадда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестиция ва технологияларни кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия бундан буён ҳам давом эттирилади.

Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ва шериклик алоқаларини мустақамлаб бориш устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Россия, Хитой, АҚШ, шунингдек, Европа, Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани ва Яқин Шарқ давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз дунёга, дунё эса бизга очик бўлиши керак — бугунги тараққиётнинг асосий талаби. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси янги тахрирда қабул қилинади.

Минтақамизнинг ажралмас қисми сифатида қаралаётган Афғонистондаги вазиятнинг тартибга солинишини давлатимиз раҳбари хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим омил, деб атади. Ўзбекистон яқин қўшимиз бўлган ушбу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик, тинчлик ўрнатилишига кўмаклашиш учун халқаро ҳамжамият билан кенг қўламли ҳамкорликка тайёр, деди Президент.

Ўзбекистон етакчиси янги тайинланган элчилар вакилилик қилаётган мамлакатлар билан кенг қўламли ва узоқ муддатли ҳамкорликнинг истиқболларига тўхталиб ўтди.

Латвия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва муҳим шериги бўлиб, узоқ йиллардан буён мамлакатимизнинг Болтик ва Скандинавия бозорларига чиқишида кўмаклашиб келмоқда.

Давлатларимиз ўртасида аънаванавий дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган. Латвия Республикаси халқаро ташкилотлар ва Европа Иттифоқи доирасида мамлакатимизни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Шу билан бирга, ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд. Икки мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик соноати, туризм соҳаларида қўшма

лойиҳа ва дастурларни фаол илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Латвия юқори даражадаги делегацияларининг 2022 йилга режалаштирилган Ўзбекистонга ташрифлари ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон етакчиси Венгрия билан кўп асрлик тарихий яқинлик ва халқларимизнинг қардошлиқ ришталарига асосланган икки томонлама муносабатлар кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг жорий йил март ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Икки мамлакат етакчилари ўртасидаги конструктив мулоқотнинг давом эттирилиши давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошди. Венгриянинг етакчи компаниялари билан биргаликда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Худудлараро ҳамкорлик механизми яратилди. Жорий йил июнь ойида икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми муваффақиятли ўтказилди. Сентябрь ойидан бошлаб Венгрия олий таълим даргоҳларида “Хунгарикум” дастури доирасида ўзбекистонлик талабалар тахсил ола бошлади.

Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, машинасозлик, фармацевтика, логистика, туризм каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Улкан халқаро нуфуз ва салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим шерикларидан биридир.

2018 йил октябрда Францияга амалга оширилган олий даражадаги расмий ташриф ҳамда жорий йил август ойида Президент Эммануэль Макрон билан телефон орқали мулоқотлар Ўзбекистон — Франция муносабатларини ҳар томонлама мустақамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистонда Франция компаниялари билан биргаликда қатор ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жиззах вилоятида “Renault” автомобилларини ишлаб чиқариш, “EDF” билан биргаликда энергетика объектларини, “Veolia” иштирокида коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, “Total Eren” билан ҳамкорликда кўш электр станциясини қуриш шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга кўмаклашаётган Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликни юқори баҳолади.

Юртимиз инновация, қишлоқ хўжалиги, авиасозлик, тоғ-кон соноати, тиббиёт, таълим ва туризм соҳаларида истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Қайд этилганидек, 2022 йилда Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган кўргазма ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Франциянинг 2022 йилнинг биринчи ярмида ЕИ Кенгашига раислиги даврида Ўзбекистоннинг Евроиттифокга аъзо мамлакатлар билан кўп томонлама алоқалари янада мустақамлашишига ишонч билдирди.

Саудия Арабистони нафақат араб-мусулмон оламида, балки бутун дунёда катта нуфузга ва молиявий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкоридир.

Икки муқаддас масжид ҳодими, Подшоҳ Салмон Ол Сауд ва Валиахд Мухаммад Ол Сауд билан

учрашувлар икки томонлама муносабатлар ривожига кўшимча суръат бағишлади, деди Президентимиз.

Ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал ва инвестиция вазири Халид ал-Фалиҳнинг жорий йилда мамлакатимизга амалга оширган ташрифлари Ўзбекистон — Саудия ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустақамлашга муҳим ҳисса қўшди.

Президентимиз мамлакатимиз худудларида Саудиянинг “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда энергетика соҳасида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Юртимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга Саудия тараққиёт жамғармаси ҳам салмоқли молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, Саудия компаниялари билан янги лойиҳаларни илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Ишонч ёрликларини топириш маросими якунида Ўзбекистон Президенти хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ришталари ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлаш йўлида муваффақиятли ва шарафли фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Дипломатлар самимий қабул ва самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга бор куч-гайратни, билими ва профессионал тажрибасини қаратишларини қайд этдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДХ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрига боради.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг ташаббуси билан ўтказиладиган тадбир кун тартибидан МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар ўрин олган. Ҳамдўстлик мамлакатлари

етақчилари йилнинг асосий якунларини сарҳисоб қилишлари ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашишлари кутилмоқда.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ВА ФАОЛ ҲАМКОР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)га аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий саммитида қатнашади.

МДХ Ихроия кўмитаси маълумотига кўра, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар раҳбарларининг аънаванавий норасмий учрашуви якунланаётган йилдаги ҳамкорлик натижаларини сарҳисоб қилиш, долзарб халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашиш имконини беради.

Тадбирда, шунингдек, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Президенти Александр Лукашенко,

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Саидир Жапаров, Россия Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этади.

➡ 2

БОЛАЛАР УЧУН ҚАДРОН ТУҲФА



Шукуҳ

Болалар учун мўъжизавий байрам — Янги йил яқинлашмоқда. Мана шундай шуқурли дамларда жажжи кичкинтойлар ўз яқинларидан байрам совғаларини орзқиб қутиши табиий. Шу маънода, кеча мамлакатимиз худудлари бўйлаб

йўлга чиққан “Президент совғаси” Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ўғил-қизлар учун чинакам қувонч улашиши, шубҳасиз.

➡ 2

ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛЛИК КЎРСАТГАН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан Гендер тенгликни таъминлаш комиссияси томонидан ташкил этилган “Нафосат”, “Гендер тенглик фаоли” ва “Йил аёли” миллий кўрик-танловлари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Эътибор

Тадбирда мамлакатимиз парламенти палаталари аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат ноти-

жорат ташкилотлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева табрик сўзи билан очди.

➡ 2

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ УЛКАН НАМУНАСИ



Қашқадарё вилоятида барпо этилган “Uzbekistan GTL” заводи нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустақамлашга, балки жаҳон соноати ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Шу боис маҳаллий аҳоли вакиллари, мутахассислар, хорижий экспертлар унга мегаолий сифатида баҳо берадиган, ҳайрат ва ҳаяжонларини яширишмаяпти. Ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Куйда уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Акс садо

Иқтисодий юксалишлар бардавом бўлсин

— “Uzbekistan GTL” заводи — бу халқимизнинг бахти, деса-сам, сира муболага эмас. Ўзингиз ўйланг, бундан беш

йил олдин бу даштларда ақлни шоширадиган гигант лойиҳанинг амалга ошишини ким ҳам ҳаёлига келтирибди, дей-

сиз. Пандемия шароитига қарамадан мажмуада иш бир зум бўлса-да тўхтамади. Чунки Юртобшомизнинг ўзи жараёндан тез-тез хабар олиб турди, ҳамма ишларга бошқош бўлди.

➡ 3

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ВА ФАОЛ ҲАМКОР

Ўзбекистон МДХ ташкил топганидан буён савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли асосда иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу жараёнларни сиёсийлаштириш, бир-бирига босим ўтказмаслик тарафдори бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон МДХ майдончаси давлатлараро тўғридан-тўғри мулоқотни ривожлантириш, фикр алмашиш ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш, иштирокчи давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни ўзаро манфаатлар, яратилган кенг шартномавий-ҳуқуқий асос, ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилган воситалари ва меҳ-

низмларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш учун кенг имконият яратди, деб ҳисоблайди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Бугунги кунда Ўзбекистон МДХнинг 84 та органидан 40 тасининг фаолиятида иштирок этмоқда. Улар сирасига мақсадлари Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши, Иқтисодий кенгаш, Парламентлараро Ассамблея каби уст-уст ташкилотлари, мудофаа, ички ишлар, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт вазирлари, бош прокурорлар, махсус

хизматлар, божхона ҳамда солиқ хизматлари, темир йўл маъмуриятлари, статистика хизматлари, агросаноат мажмуаси раҳбарлари кенгашлари ва бошқа тармоқ ташкилоти кирди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 октябрь куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган юбилей мажлисидаги нутқидан Ҳамдўстлик доирасидаги шериклини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳамдўстлик мамлакатларида пандемия шартларида ва пандемиядан кейинги даврда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва "яшил" кун тартибини илгари суриш, биологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларни бирлаштириш, меҳнат бозорини такомиллаштириш, ўзаро сайёҳлар оқимини қайта тиклаш ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб, афғон халқига инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдами билан давом эттириш мақсада мувофиқ эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон МДХ мамлакатлари халқларининг фаровонлиги йўлидаги шерикликда аниқ натижаларга эришиш

мақсадида конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқиндан ҳамкорлик қилишда қатъий эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 — 2020 йилларда МДХнинг олий даражадаги саммитларида иштироки аяқлари буйича имзоланган ҳужжатлар ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусларни ўз вақтида амалга ошириш доирасида 100 дан ортиқ тadbирларни ўз ичига олган "Йўл хариталари" қабул қилинган.

Навбатдаги норасмий саммит МДХ давлатлари раҳбарларининг 19-учрашуви бўлди. Мазкур шарафлиқ алоҳидаги учрашув ҳам 2019 йил 20 декабрь куни Санкт-Петербургда бўлиб ўтган эди.

«Дунё» АА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб, "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ййгилишда таъкидланганидек, бугунги кунда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш энг муҳим соҳалардан биридир. Амалдаги қонунчиликда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларнинг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, сув таъминоти ташкилотларининг мажбуриятлари эса мустаҳкамланмаган. Бу эса, ўз навбатида, сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келиши, истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний улашиш ҳолатлари кузатилишига сабаб бўлмоқда.

Фракция аъзолари мазкур бўлиб қилинган аҳолини ичимлик суви билан узулсиз таъминлашда муаммоларни келтириб чиқараётганини қайд этиб, таклиф қилинган қонун лойиҳасидаги нормалар нафақат сув таъминоти ташкилотларининг, балки истеъмолчиларнинг ҳам ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб бериши билан аҳамиятли эканини эътироф этдилар.

Ййгилишда фракция аъзоси Шухрат Полвонов ўз таклифларини илгари суриб, бугунги кунда туман миқёсидаги сув таъминот қорхоналари юридик шахс мақомига эга эмаслиги, бу, ўз навбатида, ичимлик суви таъминоти борасида аҳоли учун муайян қийинчиликларни тудираётганини, аҳоли муаммоларини ҳал этишда тежорлик ва сифатни таъминлаш учун туман миқёсидаги сув таъминоти қорхоналарини алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш кераклигини билдирди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш билан боғлиқ масалаларни қонун билан тартибга солишга хизмат қилади. Мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ййгилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари

нархлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни 2022 йил 30 апрелга қадар узайтириш белгиланмоқда.

Ййгилишда фракция аъзолари томонидан лойиҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди, ундаги нормаларни қонунчилик техникасига мувофиқлаштириш зарурлиги билдирилди.

Қонун тартибдаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, парламент куйи палатасидаги **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** навбатдаги ййгилишда депутатлар "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг афғончи муҳокама қилди.

Сув — ҳаёт манбаи, табиатнинг энг муҳим бойлиги ҳисобланади. Усул ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис азалдан халқимиз сувни табиатнинг бебаҳо неъматидек деб билган ва уни тежаб, оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берган.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш энг муҳим соҳалардан бири бўлса-да, ушбу соҳадаги масалалар ҳозирги кунга қадар қонун даражасида тўла тартибга солинмаган. Амалдаги қонунчиликда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларнинг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, сув таъминоти ташкилотларининг мажбуриятлари мустаҳкамланмаган.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида соҳани барқарор ривожлантириш ва хизматлар сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий база яратилди. Сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомни қучайтириш орқали носозликлар оқибатидаги ичимлик суви исроф қилинишининг олди олинди.

Ййгилишда кун тартибдаги барча масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БОЛАЛАР УЧУН ҚАДРОН ТУҲФА



Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, 12 ёшгача бўлган дилбандларимиз учун тайёрланган "Президент совғаси" таркибига ширинликлар, ўқув қуроллари ва Болалар энциклопедиясидан иборат 21 турдаги совғалар киритилган.

Шунингдек, жорий йилда Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Оилавий болалар уйлари ҳамда SOS-болалар маҳаллаларининг 12 ёшдан катта бўлган 980 нафар тарбияланувчиси учун замонавий планшет ҳам совғалар таркибига қўшилди.

Шундай қилиб, жорий йилда 9 минг 70 донга

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 декабрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртдошларимизни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни бугунга янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Фикр

Унга мувофиқ, 2022 йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар ҳамда Тиклишни ва таракцийет жамғармасининг ресурслари тижорат банкларига йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирилади. Имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача ажратилади.

Хусусан, чорвачилик, балқичилик ва паррандачилик учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилишга эса 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача, "Хўнаранд" уюшмаси аъзолари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хўнарандчиликни ривожлантириш марказлари, "Уста — шойиғ" мактабларини ташкил этиш ва бошқа шу қабиларга шунча муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдирish учун 18 ойгача муддатга ажратилади.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, "Агробанк" АТБ, АТ Халқ банки ва "Микрокредитбанк" АТБ 2022 йил 1 мартдан

дастурлар бўйича кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилиши таъминланади. Бунда кредит олиш учун аризалар барча босқичида онлайн тарзда кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа орқали маълумот бериб берилади.

Эндиликда кредит маблағларини ажратилиш бўйича ҳужжатлар электрон қўришни шакллантирилади ва масофадан имзоланган ҳолда, кредит олиш учун аризалар масофадан қарз олуви томонидан мустақил равишда ёки тегишли маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг қўлими билан тақдим этилади.

Ягона электрон платформа орқали аҳолига ўзини ўзи банд қилиш учун кредитлар белгиланган мезонлар асосида скрининг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда ажратилади. Ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш Ягона электрон платформада яратилган "маркетинг" тизими ёрдамида амалга оширилади.

Мухтар айтганда, халқимиз азалдан хўнарандчиларга, шу орқали ўзи ва оиласи учун даромад манбаини яратишга интилади. Мазкур қарорнинг ижроси нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаини кенгайтиришга, балки юртдошларимизнинг фаровон ва тўқис ҳаёт кечирishi учун ҳам хизмат қилади.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛЛИК КЎРСАТГАН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Этироф этилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз салоҳиятини тўла намойён этишлари учун шарт-шароит яратиш, турмушини фаровон қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун нимаки зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилаётган.

Ана шу саяё-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Бугун бошқарув лавозимларидаги шахслар ҳамда тадбиркорларнинг учдан бир қисми айнан аёллар ҳиссасига тўғри келаётгани бунга ёрқин мисолдир. Айни чоғда сиёсий партияларда уларнинг салмоғи 44, парламент куйи палатасида 32, Сенатда 25, маҳаллий Кенгашларда эса 31 фоиздан иборат.

"Сиясатдаги аёллар" жаҳон рейтингига Ўзбекистон охириги икки йилда дунё парламентлари орасида 130-ўрндан 45-ўринга кўтарилиб, топ-50 талиқдан жой олганлиги ҳам бизнинг бу борада эришган ёрқин ютуқларимиздан яна биридир.

Табиийки, ушбу ютуқларда фаол опа-сингилларимизнинг ҳиссаси катта. Улардан энг муносиблари "Нафосат", "Гендер тенглик фаоли" ва "Йил аёли" кўрик-танловлари доирасида муносиб тақдирланди.

«Нафосат» танлови ҳамда миллий ва замонавий либослар тарғиботчиси

Ушбу танлов ўз номига монанд равишда турли ташкилотларда фаолият

нерлик мактаби тақдими билан иштирок этдим, — дейди кўрик-танлов ғолиби Амина Қулиева. — Мактабимиз фаолияти юртимизда хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани шарофати билан йўлга қўйилган. Бугунги кунда бизни нафақат мамлакатимизда, балки чет элда ҳам яқши билишади. Биргина жорий йилнинг ўзида Россия ва қатор Европа давлатларида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган либосларимиз кўргазмаларини ўтказдик. Танловда ана шу жиҳатлар ҳам инобатга олинди. Натижада ғолиблардан бирига айландик. Бу рағбат келгуси ишларимизга янгича суръат бағишлаши, шубҳасиз.

«Гендер тенглик фаоли» аниқланди

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги қарорига мувофиқ, парламент юқори палатасининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси томонидан "Гендер тенглик фаоли" миллий танлов ташкил этилган эди.

— Ҳеч кимга сир эмас, кейинги йилларда мамлакатимизда гендер тенглик масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова. — Шу мақсадда

қатор тузилмалар ташкил этилди ва соҳанинг қонунчилик асослари халқаро андозлар асосида шакллантирилди. Натижа эса чакки эмас, яъни Ўзбекистонимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида салмоқли ютуқлар кўлга киритилмоқда. Бу халқаро миқёсда ҳам эътироф этиб келинаётган.

"Гендер тенглик фаоли" миллий танлови хусусида гапирадиган бўлсак, бундан кўзланган мақсад — мазкур йўналишда фаоллик кўрсатаётган тузилмалар, опа-сингилларимизни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришдан иборат.

Ҳақамлар ҳулосасига кўра, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган" номинацияси бўйича ғолибликни кўлга киритди. Мудофаа вазирлиги "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол давлат органи" сифатида тан олинди. Самарқанд вилояти ҳокимлигига эса "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳокимлик" йўналиши бўйича ғолиблик насиб этди.

Шунингдек, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ташкилот", "Тўмарис" аёллар ва ёшлар маркази "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ", "Shovot tekstil" МЧЖ "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти", Қорақалпоғистон телерадиоканали бош муҳаррири Гулназ Нурбекова "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган қаратилган энг яхши радиодастур", "Узсанотқурилишбанк" сайти "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши веб-сайт", Human.uz ахборот портали журналисти Наргиза Юнусова "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши ахборот портал" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳеч қачон ҳозиргидек бўлган эмас, — дейди Навоий вилоятидаги "Тўмарис" аёллар ва ёшлар маркази директори Наталья Норбекова. — Ана шу эътибор ва рағбат ҳисобига тузилмамиз тобора ривожланиб бормоқда. Масалан, уч йиллик фаолиятимиз давомида 4 та халқаро грантни кўлга киритдик. Ушбу грантлар асосида кўплаб хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилдик. Танлов ғолиблиги бу борадаги ишларимизни янада кенгайтириш, янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга туртки беради.

«Йил аёли» ғолиблиги кимларга насиб этди?

Бу танлов жорий йилда Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши,

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан ташкил этилган бўлиб, шу орқали юртимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оила ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлаётган, ўзи фаолият олиб бораётган тизим нуфузини оширишга жонбозлик кўрсатаётган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни жамоатчиликка яқиндан таништириш, шунингдек, илғор иш тажрибасини оммалаштириш ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсади кўзланган.

Мазкур кўрик-танловнинг барча босқичида 25 ёшдан 55 ёшгача бўлган, ўз йўналиши бўйича камида 5 йил мобайнида узулсиз шуғулланиб келаётган хотин-қизлар ҳамда уй бекалари қатнашди. Уларнинг салоҳияти ўз фаолияти ва чет тилларини ўзлаштириш даражаси, жамиятдаги ўрни, фаолиги ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан хабардорлиги, уларни амалиётда қўллаб олиши ва ташаббускорлиги сингари қатор мезонлар асосида баҳоланди.

Кўрик-танловда Гран-прини кўлга киритган Кейгили тумани "Орзу" фермер ҳўжалиги раиси Палзада Салиевага Президент совғаси — автомобиль тантанали равишда топширилди.

— Охириги йилларда юртимизда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди Палзада Салиева. — Шундан руҳланиб, фермер ҳўжалигимизни кўп тармоқли қилишга астойдил интилягимиз. Аваллари фақат галла етиштириш билан шуғулланган бўлсак, бугунга келиб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Мухими, маҳсулотимиз нафақат ўзимизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорини топмоқда. Масалан, келгуси йилда Россияга маҳсулот етказиб бериш бўйича келишувга эришганимиз. Танлов жараёнида ана шу жиҳатлар эътиборга олинди, ғолиблик насиб этганидан нихоятда мамнунимиз.

Шунингдек, Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-оториноларингология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент Маҳзуна Насриддинова биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Иккинчи ўрин Бўҳоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Ҳўқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари — хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, подполковник Дилфуза Шароновага насиб этган бўлса, учинчи ўринни Қашқадарь вилоятининг Шихрисабз шаҳридаги "Мевазор-Саодат" ишлаб чиқариш кооперативи бошлиғи Саодат Низомова кўлга киритди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА ИМКОНияТЛАР БЕРИЛАДИ

Меҳр-муруватли ва бағрикенг ҳалқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни энг муҳим қадриятларидан бири сифатида эъозлаб келади. Ана шундай эзгу аъёнларимизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга яқинлашмоқда.

Нуктаи назар

Бугунги кунда юртимизда 782 минг ёки аҳолининг 2,4 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Шундан, 123 минг нафари 18 ёшгача, 461 минг нафари меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 198 минг нафари пенсия ёшидагилардан иборат.



Президентимизнинг "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада янги имконият ва имтиёزلарга ҳуқуқий асос яратди. Қарорга биноан, 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (давлат ташкилотларидан ташқари) ҳар бир ҳодим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорда субсидия берилди. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлса, йиллик ўртача 2,5 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш орқали 6,1 млрд. сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

2022 йил 1 мартдан бошлаб ишга қабул қилинган болаликдан ногиронлиги бўлган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг 2,5 млн. сўмгача бўлган ойлик иш ҳақи миқдорлари даромад солиғидан озод қилинади. Бунинг натижасида ҳар ойда ногиронлиги бўлган ишловчи шахслар иктиёрида ўртача 157 минг сўмдан маблағ қолиши таъминланади.

2024 йил 1 мартга қадар иш берувчиларга (давлат ташкилотларидан ташқари) улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилди. Бунда ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади.

Ушбу тартибни жорий этиш ҳўжмага, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорларнинг 30,4 млрд. сўм миқдоридидаги тўлаган солиқ суммалари бюджетдан қайтариб берилди.

Қарорда ногиронлиги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жағмармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшлар ижтимоий қўллаб-қувватланади. Хусусан, нодавлат таълим ташкилотларида касб-хўнарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлар ва хорижий тилларни ўрганиш, шунингдек зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун, шунингдек, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-хўнарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харажат қилиш йўналишлари учун субсидиялар ажратилади.

Уларнинг таълим олиши ҳам алоҳида эътиборда бўлади. Гап шундаки, "Эл-юрт умиди" жағмармаси маблағлари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида 20 нафаргача ногиронлиги бўлган иктидорли ёшларнинг етакчи хорижий олий

таълим муассасаларида, жумладан, онлайн курсларда таълим олишлари ташкил этилади. 2022 йил 1 февралдан бошлаб: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда барча ҳудудлардаги касб-хўнара мактаблари, коллежлар ва техникумларда ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хўнарга ўқитиш бўйича ҳар чоракда қисқа мuddатли курс (гурӯх)лар, "Ишга марҳамат" моно-марказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган ва меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган касблар, хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда компьютерда дастурлаш асослари бўйича доимий равишда ўқув курслари ташкил этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органларида ишлаши учун кулай шароитлар яратиш мақсадида янгича механизмлар жорий қилинади. Хусусан, 2022 йил 1 мартга қадар ҳар бир ҳудудда биттадан давлат хизматлари марказида ногиронлиги бўлган шахсларнинг оператор, консултант, инспектор каби уларга мувофиқ келувчи лавозимларда ишлаши учун кулай шароитлар яратилади.

2022 йил 1 сентябрга қадар мазкур амалиёт барча давлат хизматлари марказида жорий қилинади. 2022 йил 1 майдан бошлаб "Ижтимоий хизмат" электрон платформаси ишга туширилди. Платформа ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотлари, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олади.

"Ижтимоий хизмат" электрон платформасида тиббий, психологик маслаҳат олиш бўйича онлайн муурожаатлар қабул қилинади, мунтазам равишда тезкор маслаҳатлар бериб борилади ҳамда бошқа тиббий хизматлар кўрсатилади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли хизматлар кўрсатилади. Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларга мусиқа ва санъат мактабларида, кутубхоналарда, ижодий устaxonлар ва халқ усталари мактабларида "Устоз — шогирд" асосида ўқитиш, ташкиллаштириладиган маданий тадбирларда иштирок этишга кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар орасида уларнинг ҳаётини яхши-лашга қаратилган энг яхши ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириб бориш мақсадида 2022 йилдан бошлаб "Энг яхши ижтимоий лойиҳа", "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши талаба", "Энг яхши спортчи", "Энг яхши китобхон", "Энг яхши иш берувчи" каби номинацияларда республика танловлари ташкил этилади.

Қарор билан ногиронлиги бўлган шахслар учун кенг қамровли имконият ва имтиёзлар кўзда тутилган. Уларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан йиллик ўртача 9,1 млрд. сўм ажратилади ҳамда 30,4 млрд. сўмлик солиқ имтиёзи берилди.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон ўз олдида кучли демократик, илгор ривожланган давлатлар сафидан мустақам ўрин эгаллаш, тараққиёт учун хавфли илатлар — коррупция, порахўрлик, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчиликдан холи давлат қуришни мақсад қилган. Дунёнинг ривожланган 50 мамлакати қаторига кириш бош вазифа. Бу борадаги ислохотлар бировага яхши кўриниш учун эмас, халқимизга муносиб шароит яратиб бериш мақсадида амалга ошириляпти.

Эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги йилларда Ўзбекистонни қатор давлатлар, халқаро ташкилотлар, нуфузли оммавий ахборот воситалари "Иил мамлакати" деб эътироф этипти. "The Economist"нинг дунёдаги икки юзга яқин давлат орасидан Ўзбекистонни "Иил мамлакати" сифатида эътироф этгани катта шов-шувга сабаб бўлганди. Ҳафталик Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат, деб топди. Бунақаси мустақил Ўзбекистон тарихида кузатилмаганди. Янгилик Ўзбекистонгача бирор-бир Марказий Осиё давлати бу каби эътирофга лойиқ қўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этганди. Ўзбекистон яқин-яқингача ақсарият таҳлилчилар фикрича, дунёнинг "энг ёпиқ" давлатларидан бири эди. Худди шу боис ҳам Ўзбекистон билан боғлиқ қўтилмаган бу янгилик халқаро миқёсда ақс оқ берди. Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг ички ва ташқи сиёсати билан, боор-йўғи, уч йилнинг ўсида дунёни тас олдирди. Аҳолиси минтақада энг кўп бўлган мамлакат иқтисодини либераллаштириш, четдан кўпроқ сармога жалб этиш савй-харақатларига зўр берилмоқда. Бу каби ўзгариш ва янгилинишлар, асрларки, иқтисодиёти кишлоқ ҳўжалигига



ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда жараён қай даражада?

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озик-овқат махсулотларига буюртма бериш учун телеграм ботларидан фойдаланмоқда. Шунингдек, турли интернет-дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фойдаланувчи бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишончлирлар. Фақат хозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқда, ўртача харид ҳажминини оширишга эса уналчи тайёр эмас. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларнинг рақамли технологиялар орқали амалга ошириши ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валюта (криптовалюта, биткоин), пул саклайдиган ҳамдони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд.

Ўқувчиларимизга рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини оддий, машиий мисоллар билан тушунтириш ўринлидир. Масалан, харидорга уст-бош кийим ёки пойабзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва налд пулга сотиб оласа, бу — анъанавий иқтисод. Ижтимоий тармоқлардаги ёки Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товари танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товари етказиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт, дейилади.

Маасалани энг содда машиий мисол орқали тушунтиришди. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт инчадими, унинг қулайлигидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимизда пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа махсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топшираемиз, картдан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт — бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни қулайлик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш дегандир. Яъни юқори даражада автоматлаштирилганлик; электрон ҳужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграцияшлари; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиёт тўғрисида тўловлар учун харажатлар қамаяди (масалан, банкка бериш учун йўлқира ва бошқа ресурслар талабди), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг ҳажон бозорига чиқши имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикрини тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал тақомиллаштирилади.

Президентимиз рақамли технологияларни

жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидламоқда. Импорт махсулотларининг чегарадан, то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати бўжона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, мутаассадиларга рўхсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган "рииск-анализ" тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Айтиш жоизки, рақамли иқтисодиётга ўтиш тадбирлари доирасида 143 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатиш вақти икки хисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олди-сотди қилиш жараёнига ошкоралик ва очиклик таъминлаш янги жорий этилди. Хозир кишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, ҳуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида рақамли иқтисодиётга ўтиш сари катта қадамлар ташланмоқда.

Соҳанинг дунёдаги аҳволи қандай?

Халқаро тажрибага назар ташласак, қўлгина давлатлар ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасига жиддий эътибор қаратмоқда.

Масалан, 2017 йил 28 июлда Россия Федерацияси ҳукумати "Рақамли иқтисодиёт" дастурини қабул қилди. Эстония, Беларусь Республикаси ва Украина рақамли иқтисодиётни фойдаланувчиларда қўллаб-қувватлаш, айрим давлатларда айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарурий инфраструктуранинг яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Австралия ҳукумати фуқароларга юқори тезликдаги рақамли алоқани тақдим этиш чораларини кўрмоқда, яъни Австралиядидаги миллий кенг полсали тармоқ (National Broadband Network) аҳолининг 93 фоизини 1 Гбит/с тезликдаги интернет билан таъминлаш маъбуриятини олган.

Хозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тўдан ўзгариштиратганини кўраемиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўйнаш ўзгаришлар молия сектори ва телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноятда ҳам бир қанча принципал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфаси — роботлар пайдо бўлиши бутун инсоний функционал моделини жиддий равишда ўзгариштириб юбориши мумкин. Бу эса шунки кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт ҳисобланади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиши соҳасидида ёрқин мисоллардан бири сифатида "Алибаба" электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш



мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шунки кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устуниқлар яратилди. "Алибаба" — бу оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир. Тўшунарлики, бундай экотизим қудрати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. Ҳатто АҚШ ҳам хозирги кунда бу пойгада ютказмоқда, чунки у ерда турли платформаларни интеграция қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига, бир платформадан бошқа платформага қараб ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш каби глобал ишда кўп нарса давлатнинг тўтган позицияси ҳам боғлиқ, албатта. Барчаси ҳамма нарса бирлаштирадиган ва рақамга ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги мумим, яъни "давлатнинг вазифаси, бизнеснинг ўрнига бирон-бир нарса қилиш эмас, балки оддийгина — бизнесга халал бермасликдир". Хитойда ҳам "Алибаба" тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани тўғрисида пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, ҳолос. Гарчи давлат "Алибаба"га ёрдам берган бўлса-да, унга давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг хизматларидан рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади.

Давлатнинг вазифаси — умумий қойдалар яратиш, бизнес эса шу умумий қойдалар асосида ўзгара ва ривожлана бошлади, чунки қонунлар таъсирида ишлабкорлик мумини ўзгарди ва рақобат ўсиб.

Қўллаб-қувватланган мамлакатлар, рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини таъминлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатини онли равишда бошлади. Бу йўналишни биринчидадан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни танлаб олган: АҚШ бозор йўналишини, Хитой эса режалли иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралик вариантларга риоя қилади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникациялар, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, доридармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб қиқариш йўналишларига эътибор қаратишмоқда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ва технология базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистон етуқ рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез тараққий этириши мумкин. Ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётни қўллаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Корея ва бошқалар) асосий эътиборни рақамли тиббиёт ва "ақли шаҳар" ижтимоий йўналишларига қаратмоқда. Рақамли тиббиёт ва "ақли шаҳар" ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпроқ мураккаблик ва хилмахиллиқни талаб қилади ҳамда бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан тақдирланади.

Ҳақон банкининг "Рақамли дивидентлар" номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига оид келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланмаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этади. Демак, интернет тезлиги 2 баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийиб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин.

Ҳақонда амалга ошириладиган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, IT ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Демак, биз ҳам асосий эътиборни фақат махсулотлар экспортига қаратмасдан, балки "ноу-ҳау", блокчейн технологиялар фаолиятини замонага ҳамоханг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланиши янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

Контратбөл ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Манақил муҳаррир — Д. Қаримов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6